

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭСАНОВ ҲУСНИДДИН ҚУРБОНОВИЧ

БУХОРО ВОҲАСИ ФЛОРАСИ ТАҲЛИЛИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on biological sciences**

Эсанов Хусниддин Қурбонович Бухоро воҳаси флораси таҳлили.....	5
Эсанов Хусниддин Қурбонович Анализ флоры Бухарского оазиса.....	21
Esanov Husniddin Kurbonovich Analysis of flora of Bukhara oasis.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭСАНОВ ҲУСНИДДИН ҚУРБОНОВИЧ

БУХОРО ВОҲАСИ ФЛОРАСИ ТАҲЛИЛИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/B54 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.flora_fauna.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хасанов Фурқат Орунбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Ҳайдаров Хислат Қудратович
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «20» октябр куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: ibz@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232-уй. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2017 йил «4» октябрь куни тарқатилди.
(2017 йил «4» октябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси)

О.Қ. Ҳожиматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, б.ф.д.

Б.А. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳозирги кунда биохилма-хилликни сақлаш глобал муаммолардан бири бўлиб, кейинги йилларда антропоген омилларнинг табиатга таъсир доирасининг тобора кенгайиб бориши бундай муаммолар кўламининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолатлар табиий экосистемаларга салбий таъсир кўрсатиб, адвентив турлар таркибини шаклланишида асосий ўрин эгалламоқда. Бу ўринда, инсон томонидан ўзлаштирилган ҳудудларда табиий экосистема компонентлари таркибини даврий равишда инвентаризация қилиш, адвентив турлар таркибини аниқлаш ва уларнинг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Республикамиз мустақилликка эришгач ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, ўсимлик объектларини кадастрлаш, ўсимлик хом ашё захираларини аниқлаш ва камёб, йўқолиб бораётган турларни сақлаш борасида муҳим натижаларга эришилди. Сўнгги йилларда антропоген ўзлаштирилган майдонларнинг кенгайиши натижасида табиий флоранинг ўзгариши ва бегона ўсимликлар сонининг ортиши кузатилмоқда. Бундай ҳудудларда флорани тубдан таҳлил этиш ва ундаги бегона ўсимлик фракцияларини аниқлаш борасидаги тадқиқот ишларини йўлга қўйиш талаб этилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги¹ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унга зарар етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш асосидаги ўсимлик объектларини инвентаризациялаш, уларга зарар етказадиган бегона ўсимлик турларини аниқлаш, антропоген ўзгарган муҳитларда уларнинг шаклланиш жараёнларини асослаш ва қарши кураш тадбирларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий ва амалий тадқиқотларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда жаҳонда инсон фаолияти натижасида инқирозга учраган ҳудуд майдонларининг кенгайиб бориши бундай ҳудудларда табиий экосистемаларнинг ўзгарувчан элементи саналган флора компонентларини кенг қамровли таҳлил этишни тақозо қилмоқда. Бу айниқса, мамлакатимизда инсон томонидан ўзлаштирилиши жиҳатидан қадимги ҳудудлардан бири бўлган Бухоро воҳасида долзарб ҳисобланади. Кейинги ўн йилликларда антропоген омиллар таъсирининг кучайиши ҳудуд флорасининг трансформацияланиши ва унга янги адвентив турларни кириб келишига сабаб бўлмоқда. Бу ўринда, Бухоро воҳасидаги абориген флора компонентлари таркибини четдан кириб келган адвентив турлар ҳисобига ўзгараётганлиги, бу фракцияни шаклланиш жараёнлари, маҳаллий тур популяциялари майдонларининг қисқариб бораётганлигини илмий асослаб бериш инсон фаолияти таъсирида флоранинг адвентивланиш жараёнларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

тушунишга имкон беради. Шунга кўра, Бухоро воҳасининг абориген ва адвентив флора фракциялари таркибини аниқлаш, замонавий флорогенез хусусиятларини ўрганиш, камёб ва эндем турлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва уларни муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 113-сон «Ўсимликлар карантини тўғрисида» ги Қонуни, 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антропоген муҳитларда абориген ва адвентив флораларга хос хусусиятларни ўрганишга қаратилган изланишлар хорижлик олимлар S.M. Andrabi & al. (2015), адвентив турлар мақомига оид изланишлар T.Sh. Hyun & al. (2012), инвазив турларнинг иқлимлашиш хусусиятлари ва таксономиясига бағишланган илмий ишлар H.Jiang & al. (2011) томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида флоранинг четдан кириб келган турларнинг комплекс ўрганишга қаратилган ишларни С.Р. Майоров ва бошқ. (2012), А.А. Нотов (2009), Е.Ю. Зыкова (2015) ва бошқа тадқиқотчилар асарларида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотлар А.Абдуллаев (1981), Ғ. Қодиров (2008), Т. Маҳкамов (2009) ва бошқалар ишларида келтирилган. Бухоро воҳаси флорасининг таркиби бўйича айрим илмий маълумотлар маълум холос. Х.Х. Гузаиров (1951), Қ.З. Зокиров (1955–1961), И.И. Гранитов (1964), Ж.К. Саидов ва бошқ. (1975) асарлари тадқиқот ҳудуди флораси таркибини ўзида қисман акс эттириб, воҳа флораси таркиби тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконини бермайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, воҳа флораси таркиби тўғрисидаги мавжуд маълумотларнинг камлиги, уни ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги, таркибидаги адвентив фракциянинг шаклланиши борасидаги илмий натижаларнинг умуман мавжуд эмаслигини қайд этиш лозим. Шу жиҳатдан, Бухоро воҳаси флораси таркибини аниқлаш, комплекс таҳлил қилиш, камёб ва эндем турларни замонавий ҳолатини аниқлаш, адвентив турларнинг тарқалиш хусусиятларини ўрганиш, флоранинг маълумотлар электрон базасини яратиш ва ГАТ хариталарини

тузиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2014-0903095817 «Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлаштириш ва унинг ўсимликлар хилма-хиллигининг маълумотлар базасини тузиш. II қисм. Турон провинцияси» (2015–2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро воҳаси флорасининг конспектини тузиш ва адвентив турлар таркибини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

флора таркибини аниқлаш, комплекс таҳлилини амалга ошириш;
флоранинг абориген ва адвентив фракцияларга ажратиш ҳамда қиёсий таҳлилини амалга ошириш;

адвентив флоранинг замонавий ҳолатини аниқлаш;
камёб ва эндем турлар таркибини ўрганиш;

флоранинг маълумотлар электрон базасини яратиш ва турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталарини тузиш.

Тадқиқот объекти Бухоро воҳаси юксак ўсимликлар флораси ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Бухоро воҳаси юксак ўсимликларининг конспекти, абориген ва адвентив фракциялари, таксономик, биоморфологик, экологик ва фитогеографик таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда таксономик, фитогеографик, биоморфологик, флористиканинг маршрутли, ярим стационар, биохилма-хиллик объектларининг маълумотлар электрон базаси ва ГАТ хариталарнинг тузишнинг методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро воҳаси флорасининг замонавий таркиби аниқланган ва 59 оила, 294 туркумга мансуб 528 тур юксак ўсимликлардан ташкил топган конспекти тузилган;

илк бор Бухоро воҳаси флорасининг адвентив фракция таркиби 21 оила, 67 туркумга мансуб 89 турдан иборатлиги аниқланган;

илк бор Ўзбекистон флораси учун янги бўлган 5 тур (*Amaranthus viridis* L., *Duchesnea indica* (Andreews) Focke., *Eclipta prostrata* (L.) L., *Erigeron bonariensis* L., *Symphyotrichum graminifolium* (Spreng.) G.L.Nesom.) ва тадқиқот ҳудуди учун 39 тур қайд этилган;

Бухоро воҳаси замонавий флорасининг шаклланишига антропоген омилларнинг кучли таъсири натижасида четдан кириб келаётган турлар сонининг ортиб бораётганлиги исботланган;

абориген ва адвентив фракциялар таксономик таркибини оила ва туркумлар даражасида фарқ қилиши исботланган;

камёб ва эндем турларнинг янги ўсиш жойлари аниқланган ҳамда ГАТ хариталари тузилган;

Бухоро воҳаси флорасининг маълумотлар электрон базаси яратилган ва

турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари тузилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотлар давомида олинган натижалар Ўзбекистон флораси бўйича шакллантирилаётган FLORUZ ахборот-таҳлил тизимига жорий этилган ва йиғилган гербарий намуналари Марказий гербарий (TASH) фондини бойитишга хизмат қилган;

флоранинг маълумотлар электрон базаси ва турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари Бухоро вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига жорий этилган бўлиб, ўсимликлар хилма-хиллигини сақлашда ва барқарор фойдаланишда илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади;

олинган натижалар республикамізда адвентив ва инвазив турларни ўрганишга бағишланган келгуси тадқиқотларда ҳамда янги таҳрирдаги Ўзбекистон флораси, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг навбатдаги нашрларида илмий манба сифатида фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, давлат амалий лойиҳалари доирасида бажарилганлиги, тадқиқотлар давомида йиғилган гербарий намуналарининг Марказий гербарийда сақланаётган намуналар билан таққослаб ўрганилганлиги ҳамда мазкур фонда сақланаётганлиги, олинган амалий натижаларнинг тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги, маълумотлар базаси FLORUZ ахборот-таҳлил тизимига киритилганлиги ва муаллифлик гувоҳномаси (№BGU 00348) олганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро воҳаси флорасининг комплекс таҳлили амалга оширилганлиги, воҳа флорасининг ўзига хос хусусиятлари аниқланганлиги, тадқиқот ҳудуди флораси учун адвентив ва инвазив турлар тўғрисида кенг кўламли маълумотлар келтирилганлиги, антропоген ўзгарган шароитлар таъсирида воҳа флорасининг ўзига хос хусусиятлар намоён бўлишининг очиб берилганлиги, Ўзбекистон флораси учун бир қатор янги турларнинг келтирилганлиги ва камёб, эндем турларнинг тарқалиш хусусиятларини ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Бухоро воҳаси ўсимликларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, табиий жамоалар барқарорлигини таъминлаш тизимини ишлаб чиқишда дастлабки маълумотлар манбаси сифатида катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро воҳаси флорасини тадқиқ қилишдан олинган илмий натижалар асосида:

маълумотларнинг электрон базаси, ўсимликларни тарқалиш хариталари, флора конспекти, Қизил китобга киритилган ўсимликлар табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 6 сентябрдаги 03-01/12-3632-сон маълумотномаси). Илмий натижалар инвазив

турлар популяцияларини аниқлаш, камёб, эндем ўсимликларни муҳофаза қилиш ва уларнинг янги ўсиш жойларини аниқлаш, кадастр ишларини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

йиғилган юксак ўсимликларнинг 528 турга оид бўлган 841 гербарий намуналари, айниқса ҳудуд учун 9 тур камёб ва эндем, Ўзбекистон флораси учун янги 5 тур ўсимлик намуналари Ўрта Осиёда гербарий намуналари сони бўйича етакчи бўлган республика «Ноёб объекти» – Марказий гербарийга (TASH) тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2017 йил 14 сентябрдаги 5/1255-1850-сон маълумотномаси). Намуналар Марказий гербарий фондиди бойитиш, адвентив турлар таркибини аниқлаш ҳамда Ўзбекистон флорасининг маълумотлар электрон базаси – FLORUZ ахборот-таҳлил тизимини (www.floruz.uz) шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда адвентив флорани ўрганишнинг ҳозирги ҳолати, назарий ва амалий муаммолари» деб номланган биринчи боби Ўзбекистонда адвентив турларни ўрганишнинг ҳозирги ҳолатига бағишланган. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда локал флораларнинг таксономик таркиби тўғрисида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бундай йирик тадқиқотлар Қ.З. Закиров (1955, 1961), И.И. Гранитов (1964), М.М. Арифханова (1967), П.Қ. Закиров (1971), В.Н. Павлов (1980), К.Ш. Тожибаев (2010) ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Натижада тўпланган маълумотлар асосида йирик фундаментал асарлар яратилган ва фан учун, шунингдек республикаимиз флораси учун юздан ортиқ янги турлар аниқланган (Тожибаев ва бошқ. 2016). Бироқ бу тадқиқотларнинг барчаси

флоранинг маҳаллий (автохтон) фракциясига бағишланган ва адвентив таркиби ажратилмаган ва таҳлили амалга оширилмаган. Шубҳасиз, тузилган флора конспектлари орасида Ўзбекистон флораси учун четдан кириб келган турлар мавжуд бўлган бўлсада, бироқ, улар адвентив тур сифатида қайд этилмаган. Бу ҳолатни нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиё мамлакатларида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунга қадар бундай турлар ҳақида Ўрта Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда ҳам маълумотлар етарли эмас. Сўнги 20-30 йил давомида эса санокли тадқиқотлар флора таркибидаги адвентив турларнинг таркибини ўрганишга бағишланган ҳолос (Махкамов, 2009; Лазьков ва бошқ., 2011, 2012, 2014). Флора таркибида “инвазив” мақомини олган турларнинг таркиби, уларнинг табиий ва маъмурий ҳудудлар бўйлаб тарқалиши, табиий ўсимлик жамоалари орасида тутаётган ўрни борасида тадқиқотлар мавжуд эмас. Бугунги кунгача антропоген омилларнинг табиий экосистемаларга салбий таъсири борасида амалий ва илмий асосланган маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертациянинг «**Бухоро воҳаси флорасининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида флоранинг комплекс таҳлил натижалари келтирилган.

Биринчи бўлим флоранинг таксономик таҳлили ва Ўзбекистон ҳамда Бухоро воҳаси флораси учун илк бор келтириляётган янгиликларга бағишланган. 2006-2016 йилларда воҳада олиб борилган тадқиқотлар натижасида флоранинг замонавий таксономик таркиби тўғрисида маълумотлар ва 59 оила, 294 туркумга мансуб 528 тур юксак ўсимликлардан ташкил топганлиги аниқланди. Флора таркибидаги оилаларнинг номланиши ва кетма-кетлиги APG IV (2016) тизими асосида келтирилди.

Бухоро воҳаси флораси таркибида спорали (0,19%) ва очик уруғли (0,19%) ўсимликлар Ўрта Осиёнинг барча абориген флораларидаги каби паст кўрсаткични намоён қилади. Бу ҳолатни тадқиқот ҳудудининг географик ўрни, яъни, арид минтақада жойлашганлиги билан изоҳланади.

Флора таркибидаги йирик таксономик бирликларнинг ўзаро нисбати 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Бухоро воҳаси флорасидаги йирик таксономик бирликларнинг нисбатлари

Таксонлар	Сони					
	тур		туркум		оила	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Equisetophyta	1	0,19	1	0,34	1	1,69
Pinophyta	1	0,19	1	0,34	1	1,69
Magnoliophyta:	526	99,62	292	99,32	57	96,62
Magnoliopsida	445	84,28	243	82,65	46	77,97
Liliopsida	81	15,34	49	16,67	11	18,65
Жами	528	100	294	100	59	100

Флора таркибининг асосий қисмини Магнолиятоифалар (Magnoliophyta)

ташқил қилиб, 526 турдан (99,62%) иборат. Шундан икки паллалилар (*Magnoliopsida*) 445 тур (84,28%), бир паллалилар (*Liliopsida*) 81 тур (15,34%) билан иштирок этди. Уларнинг ўзаро нисбати 1:5,4 га тенг. Бу Турон провинцияси флораларининг асосий хусусиятларига мос келади.

Воҳа флораси таркибидаги 1 оилага ўртача 5,0 туркум ва 8,9 тур тўғри келади (флоранинг умумий нисбати 1:5,0:8,9). Бу ҳолатни Ўрта Осиёдаги бошқа чўл флоралари таркибида ҳам кўриш мумкин (Гранитов, 1964; Саидов ва бошқ., 1975; Туремуратов, 1978; Серекеева 2012).

Флоранинг асосий хусусиятларидан бирини полиморф оилаларнинг кетма-кетлиги акс эттиради. Бухоро воҳаси флорасининг етакчи полиморф оилалар таркибига 10 ва ундан ортиқ турларга эга бўлган 13 оила киритилиб, *Asteraceae* – 80 тур (15,15%), *Amaranthaceae* – 77 (14,58%), *Poaceae* – 48 (9,09%), *Brassicaceae* – 44 (8,33%), *Fabaceae* – 41 (7,76%), *Polygonaceae* – 19 (3,59%) ва бошқалар иштирок этди. Етакчи оилалар флоранинг 75,38% (398 тур) ташқил қилиб, Ўрта Осиё чўл флораларига хос хусусиятни намоён қилади (2-жадвал). Қолган 46 оила таркибини 130 тур (24,62%) ташқил қилди. Воҳа флорасини Қизилқумдаги тадқиқ этилган бошқа абориген флоралар (Гранитов, 1964; Сарибоев, 1994; Ережепов, 1978) билан қиёслаш етакчи оилалар таркиби ўхшашлиги ва уларнинг флорадаги улуши деярли бир хиллигини кўрсатди. Бу эса воҳа флораси Қизилқум чўлининг таркибий қисми эканлигини асослайди.

2-жадвал

Бухоро воҳаси флораси ва Жануби-Ғарбий Қизилқум флорасининг етакчи оилалар спектри

Оилалар	Бухоро воҳаси (Эсанов, 2016)			Оилалар	Жануби-Ғарбий Қизилқум (Гранитов, 1964)	
	туркум лар сони	тур лар сони	%		турлар сони	%
<i>Asteraceae</i>	49	80	15,15	<i>Chenopodiaceae</i>	91	15,69
<i>Amaranthaceae</i>	30	77	14,58	<i>Asteraceae</i>	64	11,03
<i>Poaceae</i>	31	48	9,09	<i>Poaceae</i>	57	9,83
<i>Brassicaceae</i>	27	44	8,33	<i>Brassicaceae</i>	46	7,93
<i>Fabaceae</i>	15	41	7,76	<i>Fabaceae</i>	45	7,76
<i>Polygonaceae</i>	5	19	3,59	<i>Liliaceae</i>	23	3,96
<i>Boraginaceae</i>	11	18	3,40	<i>Boraginaceae</i>	22	3,79
<i>Caryophyllaceae</i>	8	15	2,84	<i>Polygonaceae</i>	20	3,45
<i>Lamiaceae</i>	12	12	2,27	<i>Caryophyllaceae</i>	16	2,76
<i>Convolvulaceae</i>	4	12	2,27	<i>Euphorbiaceae</i>	14	2,41
<i>Apiaceae</i>	10	11	2,08	<i>Apiaceae</i>	13	2,24
<i>Superaceae</i>	6	11	2,08	<i>Lamiaceae</i>	12	2,07
<i>Ranunculaceae</i>	6	10	1,89	<i>Ranunculaceae</i>	12	2,07
Жами:	214	398	75,38		435	75,00
Қолган оилалар:	80	130	24,62		145	25,00
Жами:	294	528	100		580	100

Шунингдек, воҳа ҳудудининг катта қисми ўзлаштирилган ва бунинг оқибатида абориген флорани шаклланишининг замонавий босқичи антропоген ўзгарган муҳитларда кечаётгани, етакчи оилалар таркибида географик тарқалиши кенг доирада бўлган оилаларнинг (*Polygonaceae*, *Caryophyllaceae* ва бошқ.) мавқъени юқорилиги белгилайди.

Воҳа флораси таркибида 294 туркум аниқланди. Етакчи туркумлар қаторига 5 ва ундан ортиқ турларга эга бўлган 14 туркум киритилди. Бу таркибнинг асосини *Astragalus* (18 тур), *Salsola* (17), *Calligonum* (10), *Lepidium* (8), *Cousinia* (7), *Strigosella* (7), *Tamarix* (7), *Suaeda* (7) *Convolvulus* (7) ва бошқалар ташкил қилади (3-жадвал). Қолган 12 туркумда 4 турдан, 22 туркум 3 турдан, 51 туркум 2 турдан ва 195 туркум 1 турдан ташкил топган. Бухоро воҳаси флорасининг етакчи туркумлар спектри, умумий Қизилқум флорасининг етакчи туркумларига мувофиқ келади (Хасанов ва бошқ., 2011). Флора таркибидаги айрим Ўрта Осиё автохтон элементлари, жумладан *Allium* турларининг камлигини воҳа ҳудудининг катта қисмини кейинги 40-50 йиллар давомида ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

3-жадвал

Бухоро воҳаси флораси ва Қизилқум флорасининг айрим етакчи туркумлар спектри

Туркумлар	Бухоро воҳаси (Эсанов, 2016)		Туркумлар	Қизилқум (Хасанов ва бошқ., 2011)	
	Турлар сони	%		Турлар сони	%
<i>Astragalus</i>	18	3,40	<i>Astragalus</i>	42	4,02
<i>Salsola</i>	17	3,22	<i>Calligonum</i>	33	3,16
<i>Calligonum</i>	10	1,89	<i>Artemisia</i>	19	1,82
<i>Lepidium</i>	8	1,51	<i>Cousinia</i>	18	1,72
<i>Cousinia</i>	7	1,32	<i>Allium</i>	14	0,95
<i>Strigosella</i>	7	1,32	-	-	-
<i>Tamarix</i>	7	1,32	-	-	-
<i>Suaeda</i>	7	1,32	-	-	-
<i>Convolvulus</i>	7	1,32	-	-	-
<i>Amaranthus</i>	6	1,14	-	-	-
<i>Climacoptera</i>	6	1,14	-	-	-
<i>Euphorbia</i>	6	1,14	-	-	-
<i>Artemisia</i>	6	1,14	-	-	-
<i>Centaurea</i>	5	0,94	-	-	-
Жами:	117	22,16	-	-	-

Бир ва икки турдан ташкил топган туркумларнинг юқори (297 тур ёки 56,25 %) кўрсаткични намоён қилиши антропоген таъсирлар натижасида ўзгарган муҳит шароитларининг кўплиги билан изоҳланади (Зеленская, 2013; Постарнак ва бошқ., 2011). Воҳа флорасидаги туркумларнинг таксономик ва статистик таҳлили шуни кўрсатдики, полиморф туркумлардан бир турдан

таркиб топган туркумларга яқинлашган сари турлар сони кўпайиб борди. Бу ҳолат воҳа флорасининг замонавий таркибида миграцион элементларнинг ўрни юқори флора эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон флораси учун 5 янги тур ва ўрганилаётган ҳудуд флораси учун 39 тур биринчи бор келтирилмоқда.

Ўзбекистон флораси учун биринчи бор келтирилаётган турлар:

Amaranthus viridis L. Биринчи марта Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб Бухоро воҳасининг Пешку туманидан, ариқ бўйидаги майдонлардан топилди: “Бухоро воҳаси, Пешку тумани, Киёвхўжа қишлоғи. Ариқ бўйи. 24.08.2006. 0119. Эсанов Ҳ.” Кейинчалик воҳанинг бошқа антропоген муҳитларида инвазив тур сифатида тарқалганлиги аниқланди.

Duchesnea indica (Andreews) Focke. Ўзбекистонга кейинги 20 йил мобайнида кириб келган. Ҳозирги кунда аниқланган ўсиш жойларининг асосий қисми Тошкент шаҳри кўчалари, газонлар атрофи, хиёбонлар, ариқ бўйларига тўғри келади. Бухоро шаҳрида биринчи марта 2015 йилда терилди: “Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчаси, газонлар атрофлари. 26.04.2015. 0468, д.с.б. 238 м. N 39 758 07, E 64 416 82. Ҳ. Эсанов”.

Eclipta prostrata (L.) L. Ўзбекистон бўйлаб Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳрида ўсишини тасдиқловчи гербарий намуналари маълум. Тадқиқот ҳудудидан биринчи марта қишлоқ хўжалиги экинлари майдони атрофидан йиғилди: “Бухоро воҳаси. Бухоро шаҳри. Боқий Бухоро маданий маркази. 18.09.2016. 0773. Ҳ. Эсанов”. Айни пайтда воҳа ҳудуди бўйлаб газонлар яқинида, ариқ бўйларида, экинлар атрофидаги сернам ерларда ўсади.

Erigeron bonariensis L. Ўрта Осиё флораси учун илк бор келтирилмоқда. Ўзбекистонда биринчи марта Бухоро шаҳрида ва Қоровулбозор туманида қайд қилинди: “Бухоро шаҳри, Пиридагир кўчаси. Иқтисод ва банк коллежи олдидаги беда даласи. 04.09.2015. 0510. Ҳ. Эсанов”.

Symphyotrichum graminifolium (Spreng.) G.L.Nesom. Ўрта Осиёда дастлаб Тожикистоннинг Хўжанд шаҳри атрофларида учраган (Тулаганова, 1993). Ўзбекистон флораси учун илк бор келтирилмоқда: “Пешку тумани, ариқ бўйи. 7.10.2007. 0150, д.с.б. 214 м. 40 072 49, 064 181 72”, “Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, экинлар атрофи, ариқ бўйи. 14.09.2015. 0511. д.с.б. 224 м. 39 750 88, 064 424 07. Ҳ. Эсанов”.

Тадқиқотлар давомида Ўзбекистон флораси учун янги аниқланган барча турлар яқинда, кейинги 15-20 йил ичида кириб келган адвентив турлар сифатида баҳоланади.

Бухоро воҳаси флораси учун биринчи марта келтирилаётган турларнинг аксарият қисми экологик ва географик диапозони кенг бўлган турлар ҳисобланади. Уларни бу ҳудуд учун илк бор қайд этилаётганлиги Бухоро воҳаси флорасини мақсадли тадқиқотлар орқали ўрганилмаганлиги ҳамда мавжуд антропоген омилларнинг таъсири сифатида қараш мумкин. Улар тўғрисидаги батафсил маълумотлар диссертация матнида келтирилган.

Иккинчи бўлим флора таркибидаги турларнинг ҳаётий шакллари бағишланган. Турларни ҳаётий шакллар бўйича тақсимланиши “Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи” (1963-2015) асосида келтирилган (4-жадвал).

Воҳа флорасининг асосий қисми бир ва кўп йиллик ўт ўсимликлар ташкил этади (461 тур ёки 87,31%). Бундай ҳолат чўл флораларининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади.

4-жадвал

Бухоро воҳаси ўсимликларининг ҳаётий шакллари

	Ҳаётий шакллар	Турлар сони	Флорадан турлар сони, % ҳисобида
1	Дарахтлар	9	1,71
2	Буталар	30	5,68
3	Бутачалар	4	0,76
4	Яримбуталар	17	3,22
5	Яримбутачалар	7	1,33
6	Кўп йилликлар	158	29,92
7	Икки йилликлар	13	2,46
8	Бир йилликлар	290	54,92
	Жами	528	100

Тадқиқот ҳудудининг асосий белгиларидан бири эса бир йиллик ўтларнинг умумий спектрдаги юқори ўрни саналади. Улар флорада 290 турни (54,92%) ташкил қилади. Бир йилликларнинг етакчилик қилишини ҳудуднинг қурғоқчил иқлим шароити, экинлар орасида бегона ўтларнинг асосий қисми шу ҳаётий шаклга мансублиги ва антропоген омиллар таъсирининг юқорилиги билан изоҳлаш мумкин. Мазкур турлар орасида 135 тур бегона ўт сифатида экинлар орасида учраши қайд этилди. Олиб борилган тадқиқотлар бу борадаги адабиётларда мавжуд бўлган маълумотларни (Гузаиров, 1968) сезиларли даражада тўлдиришга хизмат қилди.

Тадқиқот ҳудудида бир йиллик ўсимликлар асосан *Amaranthaceae* (61 тур – оиладаги турлар сонининг 85,92%), *Asteraceae* (47 – 58,75%), *Brassicaceae* (39 – 88,64%), *Poaceae* (33 – 68,75%), *Boraginaceae* (14 – 77,78%), *Fabaceae* (14 – 34,15%) *Caryophyllaceae* (11 – 73,33%) оилалари таркибида кўп учраши аниқланди. Бу кетма-кетлик Ўзбекистон ҳудудидаги айрим қурғоқчил флоралар (Батошев, 2016), шунингдек Ўрта Осиё флорасидаги бир йиллик ўтларнинг таркиби бўйича тузилган етакчи оилалар кетма-кетлигига мос келади (Маркова, 1966). Тадқиқот ҳудуди Ўрта Осиёнинг марказида жойлашган қуруқ иқлим шароитга эга бўлиб, бир йиллик турлар нафақат қумли муҳитларда, балки экинлар орасида ҳам кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради.

Учинчи бўлим флоранинг экологик таҳлиliga бағишланган. Бухоро воҳаси ўсимликларини экологик хусусиятига кўра 5 гуруҳга ажратилди (5-жадвал). Гуруҳларга ажратишда Қ.З. Зокиров (1955) таснифидан фойдаланилди.

Флоранинг экологик таҳлили Бухоро воҳаси ҳудудида псаммофитлар ва бегона ўтларнинг етакчилик қилишини кўрсатди. Псаммофит турлар асосан *Asteraceae* (33 тур), *Amaranthaceae* (29), *Brassicaceae* (22), *Poaceae* (20),

Fabaceae (19), *Boraginaceae* (15), *Polygonaceae* (11) оилалари таркибида кўп сонли турлар билан иштирок этади.

5-жадвал

Бухоро воҳаси флорасининг экологик гуруҳлари

Экологик гуруҳлар	Турлар сони	Умумий флорадан % ҳисобида
Псаммофит	222	42,05
Гипсофит	126	23,86
Галофит	110	20,83
Потамофит	118	22,35
Сув ўсимликлари	11	2,08
Бегона ўтлар	220	41,67

Уларнинг географияси Турон (52 тур), Эрон-Турон (37), Эрон-Ўрта Осиё (34), Қадимий Ўртаер (29), Ўрта Осиё (28) турларини етакчилик қилишини кўрсатди. Бу ҳолат Турон флораларига хос хусусият бўлиб, бунда воҳа флорасининг шаклланишида псаммофил гуруҳ турларининг катта аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин.

Бухоро воҳаси ҳудудининг асосий қисми ўзлаштирилган экин майдонлари ҳисобланганлиги туфайли қишлоқ хўжалик экинлари орасида кўп учрайдиган бегона ўтларни етакчилик қилиши асосли ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолат воҳа флорасининг динамик характери ва мавжуд антропоген омиллар мажмуаси бу гуруҳга мансуб турларнинг кенг тарқалишига имконият яратаётганлигини кўрсатади.

Экологик таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, воҳа флораси таркибида псаммофит турларнинг кенг тарқалганлиги Турон флораларига хос хусусиятларни намоён қилса, бегона ўтларнинг кўп сонда иштирок этиши суғориладиган майдонларда географик тарқалиши кенг бўлган турларнинг яъни, аллохтон ўсимликлар билан бойиб бораётганлигини намоён қилди.

Тўртинчи бўлим флоранинг географик таҳлиliga бағишланган. Бухоро воҳасининг флорасида 28 ареал типи ва 6 ареал синфлари мавжуд эканлиги аниқланди (6-жадвал).

6-жадвал

Бухоро воҳаси флораси турларининг ареал типлари бўйича тақсимланиши

№	Ареал синфлари	Ареал типлари сони	Турлар сони	Умумий флорага нисбатан, %
1	Турон синфи	3	89	16,86
2	Эрон-Ўрта Осиё синфи	5	158	29,92
3	Қадимий Ўртаер синфи	9	97	18,37
4	Палеарктика синфи	9	115	21,78
5	Голарктика синфи	1	29	5,49
6	Плюрегионал синфи	1	40	7,58
	Жами	28	528	100

Географик таҳлил жараёни ўрганилган ҳудуд ўсимликлар қоплами табиий флоралар учун хос бўлган хусусиятларни намоён қилиши ва унинг таркибини шаклланиши жадал давом этаётган жараёнлардан иборат эканлиги кўрсатишга қаратилган. Диссертация матнида Турон турларининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратилганлиги юқорида келтирилган биринчи ҳолатни тушунтиришга қаратилган бўлса, Палеарктик, Голарктик ва айниқса, Плюрегионал ареал синфларининг таҳлили эса табиий ландшафтларни ўзлаштириш жараёни бу географик гуруҳларга мансуб турлар ҳисобига амалга ошаётганини кўрсатади.

Турон синфи жами 89 турни (умумий флоранинг 16,86%) ташкил қилди ва Бухоро воҳаси флораси табиий флора эканлигини намоён этувчи асосий белгилардан бири ҳисобланади. Воҳа флорасидаги эндемларнинг аксарият қисми ҳам ўз ўзидан Турон синф таркибидан ўрин олган. Мазкур синф таркибида 11 тур Қизилқум ва 43 тур Ўрта Осиё эндемлари учрайди.

Қизилқумнинг эндем турлари Турон элементларининг асосий ядроси ҳисобланади. Унинг таркибида *Phlomooides eriolarynx*, *Oligochaeta vvedenskyi*, *Psylliostachys anceps* каби эндем алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, *Lipskyella annua*, *Londesia eriantha*, *Climacoptera merkulowiczii*, *C. minkwitzae*, *Salsola androssovii* Турон провинцияси чегаралари бўйлаб кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради (Хасанов ва бошқ. 2011).

Туркумлар даражасидаги таҳлил шуни кўрсатадики, Турон ареал типини 47 туркумларни бирлаштиради. Улар орасида *Astragalus* (7 тур), *Calligonum* (7) ва *Salsola* (5) етакчилик қилади. Умуман олганда, улар воҳа флораси таркибидаги етакчи туркумлардан бўлиб, Турон элементлари кўпроқ мужассамлашган автохтон турлардан ташкил топганлиги билан ҳам ажралиб туради. Муҳим ҳолатлардан бири шундаки, бу тип таркибида Турон провинциясининг монотип субэндем ва эндем туркумлари *Lipskyella* Juz. (*L. annua* (C. Winkl.) Juz.), *Piptoptera* Bunge (*P. turkestanica* Bunge), *Cornulaca* Del. (*C. korshinskyi* Litv.), *Smirnovia* Bunge (*S. turkestanica* Bunge), *Londesia* Fisch. & C. A. Mey. (*L. eriantha* Fisch. & C. A. Mey.) ва бошқалар воҳа флораси таркибида қайд этилганлиги ҳисобланади. Бу турлар Турон провинциясининг таркибидаги бошқа чўл флоралари билан воҳа флорасининг боғлиқлигини, шунингдек, уларнинг ягона генезисга эга эканлигини ҳам кўрсатади ва воҳа флорасининг асосини табиий флора элементлари ташкил этишини асослайди.

Палеарктика, Голарктика ва Плюрегионал синфларга мансуб бўлган турлар Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистондаги айрим табиий чўл (Сарибаев, 1994; Серекеева, 2012 ва бошқ.) ёки тоғли флораларнинг (Батошев, 2016; Ибрагимов, 2010 ва бошқ.) ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беролмасда, аммо ўзлаштирилган ҳудудлар флорасининг таҳлилида муҳим аҳамиятга эга (Рябовол, 2007; Попов, 2000; Шорина 2010).

Географик таҳлил натижалари Бухоро воҳаси флораси таркибида Турон элементларининг етакчи ўрин эгаллаши ва тадқиқот ҳудуди флорасининг асосини табиий флора элементлари ташкил этишини асосласа, воҳанинг ўзлаштирилиши натижасида яратилган сунъий муҳит шароитлари географик тарқалиши кенг бўлган турларнинг ривожланиб боришига замин яратмоқда.

Диссертациянинг «**Бухоро воҳаси флорасининг адвентив фракцияси**» деб номланган учинчи бобида Бухоро воҳаси адвентив турларининг таҳлили келтирилган.

Ўзбекистонда олиб борилган флористик тадқиқотлар орасида биринчи мартаба флоранинг адвентив фракцияси ажратилди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, Бухоро воҳаси флорасининг адвентив фракцияси 21 оила, 67 туркумга мансуб 89 тур эканлиги қайд этилди ва жами турларнинг 16,86% ташкил этиши аниқланди. Ушбу кўрсаткич Шарқий Европадаги айрим урбанофлоралар (Агафонова, 2010; Шорина, 2010; Рябовол, 2007) билан қиёсланганда (14,20% дан 27,90% гача) деярли яқин келишини кўрсатди. Демак, Бухоро воҳаси адвентив фракциясининг флора таркибида тутган ўрни бошқа адвентив флоралар билан деярли ўхшаш. Воҳа адвентив флорасини етакчи оилалари *Poaceae* 19 тур (21,35%), *Asteraceae* 16 (17,98%), *Brassicaceae* 11 (12,36%), *Fabaceae* 9 (10,11%) *Amaranthaceae* 5 тур (5,62%) ва *Malvaceae* 4 (4,49%) билан иштирок этди. Қолган 15 та оила таркибида 25 тур (28,09%) жамланиб, 1 тадан 3 тагача турлардан иборат.

Бухоро воҳаси адвентив турларини қиёсий таҳлил қилиш учун Шарқий Европа, хусусан Россиянинг яхши ўрганилган адвентив флоралари танланди. Улардаги етакчи оилалар таркиби таҳлил қилинди. Воҳа адвентив флораси таркибидаги етакчи оилалар бошқа адвентив флоралар таркибидаги етакчи оилалар таркибига ўхшасада, аммо жойлашиш ўринлари билан фарқ қилди. Таҳлил натижалари диссертация матнида батафсил баён қилинган.

Тадқиқотлар натижалари ҳар қандай ҳудудда адвентив флоранинг шаклланиши турли даражада кечаётганлигини кўрсатди. Бу тафовут ҳар бир ҳудуднинг географик ўрни ва алоқалари билан боғлиқ. Лекин уларда умумий хусусиятлар мавжуд. Биринчидан, барча адвентив флоралар таркиби географик тарқалиши кенг бўлган турлардан ташкил топган; иккинчидан барчаси антропоген муҳитларда тарқалган; учинчидан уларнинг тарқалиши кўпроқ антропоген омиллар билан боғлиқ; тўртинчидан барча адвентив турлар дастлаб урбаноланшафтларда шаклланади. Буни солиштирилаётган флоралар мисолида кўриш мумкин.

Диссертациянинг «**Бухоро воҳаси флораси абориген ва адвентив фракцияларининг қиёсий таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида воҳа флорасининг абориген ва адвентив фракцияларини таксономик таркиб бўйича ўзаро солиштириш натижалари баён этилган.

Бухоро воҳасининг абориген флораси таркибида 38 оила, 227 туркумга мансуб 439 тур, адвентив флорасида 21 оила, 67 туркумга мансуб 89 тур қайд қилинди. Абориген турлар воҳа умумий флорасининг 83,14% ва адвентив турлар 16,86% яъни, 1:4,9 ташкил қилади. Агар бу кўрсаткич флоранинг адвентив фракцияси яхши тадқиқ этилган ҳудудлар, жумладан Жанубий Урал 82,24% - 17,76% яъни, 1:4,6 (Науменко, 2005), Балашова шахри 77,90% - 22,10% яъни, 1:3,5 (Инфантов, 2009) флоралари билан қиёсий солиштирилганда бир-бирига яқин натижаларни уларнинг улушида кўриш мумкин. Бу ҳолат ҳар бир ҳудуд флорасининг адвентив таркиби бир бирига яқинлигини кўрсатади. Қуйида етакчи оилаларнинг ўзаро қиёсий таҳлили

келтирилди (7-жадвал).

Таҳлиллар натижасида абориген ва адвентив флораларнинг етакчи оилалар таркиби умумий флоранинг етакчи оилалар таркибига қисман мувофиқ келиши аниқланди. Айниқса, абориген флоранинг оилалар таркиби кўпроқ мос келди. Аммо воҳанинг абориген ва адвентив турларининг етакчи оилалар ҳолати бир хил эмас. Чунки абориген флора таркиби табиий флоранинг хусусиятларини ўзида акс этгирса, адвентив турлар кўпроқ антропоген муҳит хусусиятларини мужассамлаштирган.

7-жадвал

Бухоро воҳаси флорасининг автохтон ва адвентив фракцияларининг етакчи оилалари таҳлили

Оилалар	Умумий турлар	Турлар сони					
		Автохтон фракция		%	Адвентив фракция		%
		турлар сони	ўрни		турлар сони	ўрни	
<i>Asteraceae</i>	80/15,15	64	2	12,12	16	2	3,03
<i>Amaranthaceae</i>	77/14,58	72	1	13,64	5	5	0,94
<i>Poaceae</i>	48/9,09	29	5	5,49	19	1	3,60
<i>Brassicaceae</i>	44/8,33	33	3	6,25	11	3	2,08
<i>Fabaceae</i>	41/7,76	32	4	6,06	9	4	1,70
<i>Polygonaceae</i>	19/3,59	19	6	3,59	-	-	-
<i>Boraginaceae</i>	18/3,41	17	7	3,22	1	7	0,19
<i>Caryophyllaceae</i>	15/2,84	12	8	2,27	3	6	0,57
<i>Lamiaceae</i>	12/2,27	12	8	2,27	-	-	-
<i>Convolvulaceae</i>	12/2,27	11	9	2,08	1	7	0,19
<i>Apiaceae</i>	11/2,08	10	10	1,89	1	7	0,19
<i>Cyperaceae</i>	11/2,08	11	9	2,08	-	-	-
<i>Ranunculaceae</i>	10/1,89	7	11	1,32	3	6	0,57
Жами:	398/75,38	329/62,31		62,31	69/13,07		13,07
Ҳаммаси:	528	439/83,14			89/16,86		

Воҳанинг етакчи туркумлар таркибининг таҳлил натижалари абориген турларга бой туркумлар спектри умумий флора таркибидаги етакчи туркумлар спектрига айнан мос келишини кўрсатди. Бу туркумлардаги турларнинг воҳада тарқалиш ҳудудлари асосан табиий муҳитларга тўғри келади. *Astragalus*, *Salsola*, *Cousinia*, *Calligonum*, *Suaeda* каби абориген туркумлар таркиби асосан Ўрта Осиё эндемларидан ташкил топган. Адвентив фракциянинг етакчи туркумлар спектри умумий ва абориген флора спектрига мувофиқ келмади. Етакчи туркумлар таркибида кескин фарқлар кузатилди (8-жадвал).

Шунингдек, адвентив фракциянинг қолган саккиз туркуми 2 турдан (жами 16 тур) ва 53 туркум таркиби 1 турдан ташкил топганлигини аниқланди. Бу ҳолат воҳада адвентив фракциянинг шаклланиш жараёни давом этаётганлигидан ва туркумлар таркиби абориген флора учун тузилган туркумлар таркибидан фарқ қилишини кўрсатди.

Абориген ва адвентив фракцияларнинг қиёсий таҳлили таксономик таркибининг бир биридан фарқ қилишини кўрсатди. Буни абориген

турларнинг кўпроқ Эрон, Турон ҳудудида тарқалганлиги, адвентив фракция эса географик тарқалиши кенг бўлган Плюрегионал, Палеарктик, Голарктик турлардан ташкил топганлиги билан изоҳлаш мумкин. Воҳанинг қурғоқчил иқлим шароитида адвентив турларнинг бундан кейинги шаклланиши ҳам урбанофлора таркиби орқали антропоген муҳитларда амалга ошишини кўрсатди.

8-жадвал

Бухоро воҳаси флорасининг автохтон ва адвентив фракцияларининг етакчи туркумлар таҳлили

Автохтон фракция			Адвентив фракция		
Туркумлар	Турлар	% ҳисобида	Туркумлар	Турлар	% ҳисобида
<i>Astragalus</i>	18	4,10	<i>Amaranthus</i>	5	5,61
<i>Salsola</i>	17	3,87	<i>Ranunculus</i>	3	3,37
<i>Calligonum</i>	10	2,28	<i>Vicia</i>	3	3,37
<i>Lepidium</i>	8	1,82	<i>Sonchus</i>	3	3,37
<i>Cousinia</i>	7	1,54	<i>Xanthium</i>	3	3,37
<i>Strigosella</i>	7	1,54	<i>Veronica</i>	3	3,37
<i>Tamarix</i>	7	1,54			
<i>Suaeda</i>	7	1,54			
<i>Convolvulus</i>	7	1,54			

Диссертациянинг «Бухоро воҳаси флорасининг камёб турлари ва уларни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари» деб номланган 5-бобида муҳофазага муҳтож камёб, эндем турлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Бунда дала тадқиқотлари ва Марказий гербарий маълумотлари асосида Бухоро воҳаси ҳудудида учрайдиган Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2009) киритилган 9 тур аниқланди. Уларнинг фотосуратлари ҳамда тарқалиш ГАТ хариталари келтирилган. Дала тадқиқотлари натижасида 1956 йилдан буён топилмаган ЎзР Қизил китобининг барча жилдларида (1984, 1998, 2006, 2009) киритилган *Phlomoides eriolarynx* (Pazij et Vved.) Adylov, Kamelin & Makhm. ning янги популяцияси Бухоро воҳаси, Гиждувон тумани, Қорабоғ қишлоғидан 2 км шимол томонда, Жилвон каналининг юқори қисмидан топилди.

ХУЛОСА

«Бухоро воҳаси флораси таҳлили» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бухоро воҳаси флорасининг юксак ўсимликлари 59 оила, 294 туркумга мансуб 528 турдан иборатлиги аниқланди. Шундан 38 оила, 227 туркумга мансуб 439 тур автохтон ва 21 оила, 67 туркумга мансуб 89 тур адвентив ўсимликлар эканлиги қайд этилди. Автохтон турлар воҳа флорасининг 83,14% ва адвентив турлар 16,86% ташкил қилди. Ўзбекистон флораси учун 5 тур ва Бухоро воҳаси учун 39 тур илк бор келтирилди.

2. Етакчи оилалар ва туркумлар спектри Бухоро воҳаси флорасининг

Турон провинциясига мансуб бўлган чўл флоралари хусусиятларини намоён қилишини кўрсатди. Турларнинг биоморфологик таҳлил натижаларидан бир йиллик ўсимликларнинг (54,92%) устунлиги аниқланди. Бу Бухоро воҳаси флораси чўл муҳиtida шаклланганлиги ва ҳудуднинг асосий қисми ўзлаштирилганлиги билан изоҳланади.

3. Экологик таҳлиллар натижалари воҳа флораси таркибида псаммофит турларнинг етакчилик қилиши орқали Турон флораларига хос хусусиятларни намоён қилиши, бегона ўтларнинг кўп сонда иштирок этиши эса экин майдонларида географик тарқалиши кенг бўлган турларнинг яъни, адвентив ўсимлик турлари билан бойиб бораётганлигини кўрсатди.

4. Географик таҳлил натижалари Бухоро воҳаси флораси таркибида Турон элементларининг доминатлик ролини кўрсатди. Тадқиқот ҳудудининг ўзлаштирилиши натижасида яратилган сунъий шароитлар автохтон турларга (*Astragalus*, *Eremurus*, *Allium*, *Tulipa*, *Cousinia*) катта таъсир кўрсатиб, географик тарқалиши кенг бўлган турлар сонининг ортишига замин яратмоқда.

5. Воҳада флоранинг адвентив фракциясини шаклланишида шаҳар муҳити дастлабки босқич вазифасини бажариши аниқланди. Бу ҳолат антропоген омиллар, асосан саноат, савдо сотиқ, туризмнинг жадал ривожланиши ва бошқалар таъсири билан асосланади.

6. Бухоро воҳаси флорасидаги адвентив фракция таркибининг шаклланиши Ўртаер денгизи ва Бореаль флоралар шароитида илгари аниқланган хусусиятлар бўйича кечаётганлигини кўрсатди. Мавжуд фарклантирувчи ҳолатлар воҳанинг иқлим хусусиятлари ва турларнинг экологик хусусиятларидан келиб чиқади.

7. Воҳанинг абориген ва адвентив фракцияларининг қиёсий таҳлили таксономик таркибнинг бир-биридан фарқ қилишини кўрсатди. Ҳар икки фракциянинг географик тарқалиш хусусиятларида ҳам фаркланишлар мавжуд бўлиб, абориген фракция асосан Эрон, Турон ва адвентив фракция космополит, Палеарктика ҳамда Голарктик турлардан ташкил топганлиги аниқланди.

8. Тадқиқотлар давомида воҳа ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 9 турлар аниқланди. Бу гуруҳга мансуб бўлган барча турлар популяцияларининг замонавий ҳолати, тарқалиши, янги ўсиш майдонлари бўйича янги маълумотлар олинди ва Қизил китобнинг кейинги нашрлари учун тақдим этилди.

9. Тадқиқотлар натижасида “Бухоро воҳаси флораси” маълумотлар электрон базаси яратилди ва Бухоро воҳаси ўсимликларини кадастр ва мониторинг ишларини амалга оширишда фойдаланиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭСАНОВ ХУСНИДДИН КУРБОНОВИЧ

АНАЛИЗ ФЛОРЫ БУХАРСКОГО ОАЗИСА

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/В54.

Диссертационная работа выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.flora-fauna.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Тожибаев Комилжон Шаробитдинович**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хасанов Фуркат Орунбаевич**
доктор биологических наук, профессор
Хайдаров Хислат Кудратович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «20» октября 2017 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.В.39.01 при Институте Ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 232. Актальный зал Института Ботаники. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: ibz@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Ботаники (зарегистрировано за № 17). Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 232. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «4» октября 2017 года.
(реестр протокола рассылки 2 от «4» октября 2017 года)

О.К. Хожиматов

Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н.

Б.А. Адиллов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

Ф.О. Хасанов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время сохранение биоразнообразия в мире является одной из глобальных проблем и постепенное расширение влияния антропогенных факторов на природу в последние годы является причиной и увеличения масштаба таких проблем. Подобные случаи занимают основное место при формировании состава адвентивных видов, оказывая отрицательное воздействие на естественные экосистемы. В этом отношении, периодическая инвентаризация состава компонентов естественных экосистем на освоенных человеком территориях, определение состава адвентивных видов и изучение закономерностей их формирования считаются одной из актуальных проблем сегодняшнего дня.

С обретением независимости нашей республики большое внимание уделяется охране растительного мира и рациональному использованию. На основе программных мер осуществленных в данном направлении достигнуты значительные результаты, в том числе по кадастру растительных объектов, определению запаса растительных ресурсов и по сохранению редких и исчезающих видов. В результате расширения освоенных антропогенных площадей в последние годы происходит изменение естественной флоры и увеличение численности сорных растений. Это предполагает осуществление исследовательских работ в таких территориях по ревизии флоры и определению фракций сорных растений. В этом отношении, в стратегии действий по развитию Республики Узбекистан¹, на основе охраны окружающей среды и предупреждение экологических проблем, повреждающих им, особо отмечаются научные и практические исследования, направленные на инвентаризацию растительных объектов, определение видов сорных растений, повреждающих им, обоснование процессов формирования в антропогенных измененных условиях и усовершенствованию мер борьбы против них.

На сегодняшний день расширение в мире деградированных территории в результате деятельности человека, предполагает проведение широкомасштабного анализа компонентов флоры, считающихся динамичным элементом естественных экосистем. Это наиболее актуально в одной из самых древних по отношению освоения человеком территорий нашей страны - Бухарском оазисе. Здесь усиление влияния антропогенных факторов в последние десятилетия является причиной трансформации флоры региона и проникновения в её состав новых адвентивных видов. В этом отношении, научное обоснование изменчивости компонентов аборигенной флоры Бухарского оазиса за счет адвентивных видов и процессов формирования этой фракции, сокращения площадей популяций аборигенных видов способствует пониманию процессов адвентивации флоры под

¹ Указ Президента Республики Узбекистана УП4947 «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан» от 7-февраля 2017 года.

воздействием деятельности человека. Соответственно, имеет актуальное значение определение состава аборигенной и адвентивной фракций флоры Бухарского оазиса, изучение особенностей современного флорогенеза, оценка современного состояния популяций редких и эндемичных видов и разработка эффективных мер их охраны.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан № 113-І «О карантине растений» от 31 августа 1995 года, Законом Республики Узбекистан №409 «Об охране и рациональном использовании растительного мира» от 21 сентября 2016 года, Постановлением Кабинета Министров №142 «О программе действий по охране окружающей среды Республики Узбекистан на 2013-2017 годы» от 27 мая 2013 года и Указом Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

